

BOYSUN

2025-yil 26-iyun
№ 12 (6451)

<http://boysungazetasi.uz/>

Gazeta 1932-yil 1-maydan chiqa boshlagan

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligining gazetasi

2025-yil — Atrof-muhitni asrash va yashil iqtisodiyot yili

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ЯНГИЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Дунёда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор, ҳар қандай мамлакат тараққиёти соғлом ва билимли авлодга боғлиқ

Давлатнинг эртанги кун ишларнинг қай даражада билимли экани билан бевосита боғлиқ. Шу боис таълим тизимини ривожлантириш масаласига ҳукумат даражасида эътибор қаратилиши ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда сўнгги йиллар давомида Ҳаракатлар стратегияси ва унинг мантикий давоми саналмиш Тараққиёт стратегияси доирасида, ривожланган давлатлар каби узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш, сифатли таълим-тарбия бериш, малакали кадрларни тайёрлаш бўйича сезиларли ислохотлар амалга оширилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 май кун матбуот таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди, унда соҳада мавжуд муаммоларга алоҳида тўхталди.

Жумладан, таълим дастурлари энг илғор мамлакатлар тажрибасига мослаштирилмоқда, дарсликлар янгиланмоқда, мактабларга замонавий жиҳозлар олиб берилган, лекин тизимдаги муаллимларнинг янги методикаларни ўзлаштириши, таълим сифатини таъминлаш қай даражада экани савол остида. Масалан, икки йил олдин тоифа бериш тизими шаффоф, рақамлашган платформага ўтгани ҳақиқий аҳволни кўрсатгани, ўтган йили 341 минг ўқитувчи янги тизим асосида тоифага топширган бўлса, шундан 102 минг нафари имтиҳондан ўта олмагани қайд этилди.

Шунингдек, ҳозирда 7-11 синф ўқувчилари кунига 8 соатгача вақтини телефонда ижтимоий тармоқларда ўтказётгани мактаб директори ва муаллими ҳам, ота-оналарни ҳам ўйлантириши алоҳида таъкидланди.

Барча педагогика олийгоҳлари фаолияти тубдан ўзгаради. Президентимиз бунини Термиз педагогика институти мисолида тушунириб берди. Бу олийгоҳга Янги Ўзбекистон

Оммавий ахборот воситалари ходимлари кун арафасида ҳаётини матбуотга бахшида этган инсонлар ҳақида сўз юритиш — бу касбга бўлган ҳурмат рамзидир. Айниқса, бу қаҳрамон 47 йиллини айни шу йўлга, ҳарфлар жилоланиши, жумлалар изчиллиги, ҳақиқат ёритилишига сарфлаган бўлса — у ҳолда эҳтиром икки қарра бўлиши керак.



Қаҳрамонимиз Ойбахор Сатторова “Бойсун” газетаси тахририятида ярим асрга яқин хизмат қилган, матбуот жамоасининг садоқатли вакиласи сифатида эътирофга лойиқ инсондир. 1974 йил 24 июн кун илк бора тахририят эшикларини очиб, оstonага қадам қўйган Ойбахор опа ўша кундан бошлаб матбуот оламига садоқат билан кириб келган. Дастлаб меҳнат йўлини матн терувчилик билан бошлаган опа, кейинчалик корректор, ундан ташқари матбуотдаги барча

Талабалик амалиётини бу йил “Бойсун” газетаси тахририятида ўташга тўғри келди. Гарчанд бўлгуси касбим ҳам журналистика соҳаси учун бегона бўлмаса-да, ҳар ҳолда газета ижодий ходимлари — профессионал журналистлар жамоаси билан илк бор ҳамкорлик қилиш завбори олдида бир қадар ҳадикми, бор эди менда.

Бироқ амалиётнинг биринчи куниданоқ бу ердаги қизиқarli ижодий муҳит, биз каби “бегоналар” билан ҳам эркин мулоқотлар жараёни ўлароқ, мен дарров газетанинг “ўз ходими”га айландим. Оддий ходимдан талабаларга, газета муҳарриригача менга (албатта, бошқа амалиётчи билан биргача ҳам) бир жамоа аъзосидек муомала қилишар, кечагача мен учун мутлақо бегона бўлган касб сир-асрорларини ўргатиш, олийгоҳ тақдим этган амалиёт дастурида белгиланган мавзулар билан танишиб, амалиётга татбиқ қила олишнинг учун бирдек ёрдам қилишга эринмасдилар.

Журналистика дунёси билан танишувим мана шунақа яхши кайфият, ўзгача завқ билан бошланди.

Хатто бу касб эгаларининг бугунги кундаги мен билмаган муаммолари, иш фаолиятидаги ўзига хос қийинчиликлари ҳам эътиборимдан қолмади. Баъзи бир масалалар, муаммолар олдида бир қадар довдираб ҳам қолдим. Очиги, мен жуда ҳавасим келган касб эгалари — журналистларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига келатган шахсий рағбат даражасини кўриб кўнглим бир қадар хира тортгандек бўлди.

Ҳаётимда бир марта журналист бўлиш имконияти тўғилгани боис, бу жараён нари борса икки ҳафта давом этса-да, шу қисқа вақтлик журналистик фаолиятимда ҳақиқий, тўғрисиёз журналист бўлгим келиб кетди...

Амалиёт машғулотларини мен билан асосан Нодира опа олиб борадилар. Кўринишидан камгап, аммо ширинсўз, ҳавас қилгуллик муомала маданиятига эга Нодира опа билан жуда тез чиқишиб кетдик. Дастлаб мен у кишини фақат матн терувчи ходим сифатида тасаввур қилгандим, қачон борсам албатта компьютерда матн тереётган бўлардим. Кейин билсам, у кишининг зиммаларида коррек-

Келажак учун сиёсатчилар, ўтмиш учун тарихчилар, бугунги кунимиз ҳақида журналистлар қайғуришади.

Илк ўзбек миллий газетамизга жадидчилик ҳаракатининг таниқли вакиллари билан бири Исмоил Обидий томонидан асос солинган, 1906 йилнинг 27 июн кун “Тараққий” газетасининг илк сони дунё юзини кўрган эди. Касбнинг осони йўқ, ҳар бир касбнинг ўзига яраша масъулияти, машаққати бор. Ўқитувчи хато қилса, бир синф ўқувчилар хато қилади, шифокор хато қилса инсоннинг ҳаёти хавф остида қолади, тадбиркор хато қилса зиён кўради. Журналист хато қилса минглаб, миллионлаб одамларнинг онига таъсир кўрсатади. Шунинг учун у ўз касбининг устаси бўлиши учун ҳам ўқитувчи, ҳам шифокор, ҳам тадбиркор, ҳам актёр, яна қўплаб касблар сир-асроридан тўла бўлмаса-да, маълум миқдорда хабардор бўлиши шарт.

Бир ўлмас ҳақиқатни такрорлашдан толмаймиз: электрон нашрларнинг мўъжизаларга бой имкониятлари нечоғли эътироф этилмасин, уларнинг ҳеч бири босма нашрлар салмоғини, ўрнини боса олмайди. Ахборот турли манбалардан олиниши мумкин, фикр-тафаккур эса газетадан бевосита мутолаа орқали олинади, ижтимоий фикр газета орқали чархланади, бойитилади, камолга етади. Газета тарихий солнома, уни юз йилдан кейин ҳам кўзга суртиб ўқилади.

Халқ журналистни ҳақиқат жарчиси, газета, телевидениени эса ҳаётнинг кўзгуси деб билади. Сўзнинг қудрати кучли, уни қачон, қаерда ва қай йўсинда ишлатиш қалам соҳибига боғлиқ. Инсон ва унинг манфаатларини кўзлаб чиқарилаётган қонун ва қарорларнинг моҳиятини фуқароларга тарғиб қилишда матбуот катта

рол ўйнайди. Учинчи Ренессанс орзусида қайта бошдан бунёд этишга киришган жамяти-мизда давом этаётган ислохотларга тўғанок бўлаётган муаммолар ҳар қадамда матбуотчиларни, қалами ўткир журналистларни интизорлик билан кутишади.

Давлатимиз раҳбари барча чиқишларида халқни, одамларни рози қилиш олий бурчимиз эканини такрор-такрор ўқитмоқда. Ҳар бир нашр ўз йўналиши бўйича ана шу муқаддас вазифани адо этмоғи йўлида сарф-ҳаркат кўрсатмоқда. Аммо ўз қўлимиз ва ихтиёримиз билан йўл қўяётган хатоларимиз талайгина. Жумладан, матбуотни газета ва журнал, радио, телевидениедек анъанавий ва энг таъсирчан воситаларнинг кенг омма назаридан обрў-эътибори бир мунча пасайишига шароит яратиб қўйяпмиз.

Кенг омма — халқ билан матбуот ўртасида узилиш, узоклашиш рўй берди. Газета ва журналнинг асосий ман-

баи бўлмиш обун тизими издан чиқди. Доимий ўқувчилар бой берилди. Бунинг оқибатида қўплаб газета ва журналлар фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Нима қилмоқ керак?.. деган савол жиддий тус олмоқда. Президентимиз йиғилишларидан бирида: “Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлиб қолдилар. “Менинг компьютеримда ҳаммаси бор, менинг телефонимда ҳамма нарсаси бор”, дейдиган бўлишди”. Эътибор қиялписизми, бу огоҳлантириш давлат раҳбари томонидан айтилмоқда...

ёркин белгиси эди. Хусусан, бош муҳаррир Даврон Орипов: “Сизни ишдан кетишингизни хоҳламайман”, дея ҳақли равишда изҳор қилган фикри — Ойбахор опанинг тахририятдаги ўрни ва кадрини аниқ ифодалайди. 2022 йилдан яна расман, энди бу гал деярли ярим асрлик чарчовлар чигилини ёзиш учун тахририят билан хайрлашган Ойбахор опа ҳозирда набиралари тарбияси билан банд. Бўш вақтларида эса ўз боғидаги турфа гулларни парвариш қилиш билан шуғулланади. Бу гуллар унинг нафис диди, ҳаётга бўлган меҳрини ифодалайди. У гулларни, ҳаётни, касбини, энг асосийси матбуотни севган.

Бугун Ойбахор опа фаол газета жамоасидан четда... Аммо у киши ҳақида илиқ сўз айтувчилар, эслайдиганлар, унга эргашадиганлар қўп. Унинг номи тахририят хотирасида, муҳбирлар ёдида, газетдаги сатрлар орасида яшаб қолмоқда. Чиндан ҳам, Ойбахор Сатторова — матбуот деган буюк даргоҳга садоқат рамзи сифатида эътироф этилиши лозим бўлган инсондир.

Фидойиллик — бу юрак иши. Ойбахор опани қалбини матбуотга бағишлаган фидойи аёл сифатида тан олишимиз, аёл-қизларимиз фахрланадиган шарфли бурч деб билсак арзийди.

Маржона ТЕМИРОВА, Қарши давлат университети Филология факультети амалий филология йўналиши 3-курс талабаси.

Ойбахор опа фаолият кўрсатган йиллар тахририят учун ҳам юксак даврлар бўлган. Усмон Азим, Шукур Холмирзаев каби таниқли ижодкорлар “Бойсун” газетаси саҳифаларида ўз мақола ва шеърларини чоп эттирганлар. Ойбахор опа бу даврни чин дилдан эслайди. У тахририятни “Маърифатхона” деб атаган ва бу сўз беҳуда айтилмаган. Зеро, бу муассасада ҳақиқат, илм, адабиёт ва ҳаёт излари уйғунлашган.

2007 йилда нафақага чиққан Ойбахор опани орадан қўп ўтмай яна ишга чакиршиган. У яна тахририятга қайтган, яна ишжиматга отланган. Бу тақдир унинг касбга бўлган муҳаббати ва йиллар давомида орттирган ишончининг

торлик вазифаси ҳам юкланган экан. Терилган материалларни аввал компьютерда, кейин газета саҳифаланиш жараёнида, қоғозда бир неча бора қайта-қайта корректурадан — тахрир қилишдан чиқарадилар. Дарвоқе, “Бойсун” газетаси ўзбек ва тожик тилларида чиқадиган газета бўлгани боис опа материалларни ҳар икки тилда те-

ЖУРНАЛИСТ ҚАДРИ



радилар. Боз устига, ёши улугъ обуначиларнинг истагига кўра ўзбек саҳифаларининг бир қисми крилл алифбосида, бир қисми эса лотин алифбосида берилади. Тожик саҳифаси ҳам криллда терилади. Нодира опа бу ишларга муддатида улгуришлари керак, чунки ҳозирги сонга материаллар терилиб-терилмай, келгуси сон учун материал-

“Газетаси бўлмаган ҳар миллатнинг гўёки тили йўқдир. Яъни, газетасиз халқ тилсиз одамдир”.

Садриддин Айний.

БАЙРАМ АРАФАСИДАГИ ЎЙЛАР

рол ўйнайди.

Учинчи Ренессанс орзусида қайта бошдан бунёд этишга киришган жамяти-мизда давом этаётган ислохотларга тўғанок бўлаётган муаммолар ҳар қадамда матбуотчиларни, қалами ўткир журналистларни интизорлик билан кутишади.

Давлатимиз раҳбари барча чиқишларида халқни, одамларни рози қилиш олий бурчимиз эканини такрор-такрор ўқитмоқда. Ҳар бир нашр ўз йўналиши бўйича ана шу муқаддас вазифани адо этмоғи йўлида сарф-ҳаркат кўрсатмоқда. Аммо ўз қўлимиз ва ихтиёримиз билан йўл қўяётган хатоларимиз талайгина. Жумладан, матбуотни газета ва журнал, радио, телевидениедек анъанавий ва энг таъсирчан воситаларнинг кенг омма назаридан обрў-эътибори бир мунча пасайишига шароит яратиб қўйяпмиз.

Кенг омма — халқ билан матбуот ўртасида узилиш, узоклашиш рўй берди. Газета ва журналнинг асосий манбаи бўлмиш обун тизими издан чиқди. Доимий ўқувчилар бой берилди. Бунинг оқибатида қўплаб газета ва журналлар фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Нима қилмоқ керак?.. деган савол жиддий тус олмоқда. Президентимиз йиғилишларидан бирида: “Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлиб қолдилар. “Менинг компьютеримда ҳаммаси бор, менинг телефонимда ҳамма нарсаси бор”, дейдиган бўлишди”. Эътибор қиялписизми, бу огоҳлантириш давлат раҳбари томонидан айтилмоқда...

ёркин белгиси эди. Хусусан, бош муҳаррир Даврон Орипов: “Сизни ишдан кетишингизни хоҳламайман”, дея ҳақли равишда изҳор қилган фикри — Ойбахор опанинг тахририятдаги ўрни ва кадрини аниқ ифодалайди. 2022 йилдан яна расман, энди бу гал деярли ярим асрлик чарчовлар чигилини ёзиш учун тахририят билан хайрлашган Ойбахор опа ҳозирда набиралари тарбияси билан банд. Бўш вақтларида эса ўз боғидаги турфа гулларни парвариш қилиш билан шуғулланади. Бу гуллар унинг нафис диди, ҳаётга бўлган меҳрини ифодалайди. У гулларни, ҳаётни, касбини, энг асосийси матбуотни севган.

Бугун Ойбахор опа фаол газета жамоасидан четда... Аммо у киши ҳақида илиқ сўз айтувчилар, эслайдиганлар, унга эргашадиганлар қўп. Унинг номи тахририят хотирасида, муҳбирлар ёдида, газетдаги сатрлар орасида яшаб қолмоқда. Чиндан ҳам, Ойбахор Сатторова — матбуот деган буюк даргоҳга садоқат рамзи сифатида эътироф этилиши лозим бўлган инсондир.

Фидойиллик — бу юрак иши. Ойбахор опани қалбини матбуотга бағишлаган фидойи аёл сифатида тан олишимиз, аёл-қизларимиз фахрланадиган шарфли бурч деб билсак арзийди.

Маржона ТЕМИРОВА, Қарши давлат университети Филология факультети амалий филология йўналиши 3-курс талабаси.

лар тайёр туради.

Улгуриш керак барига...

Азамат ака Гафоров асосан газета саҳифаларини макетлаш ва дизайн ишлари билан шуғулланадилар. Баъзан асабийлашадилар, тез-тез ишдан чиқиб қолувчи компьютер ва бошқа ускуналарни ўзларича гудраниб созлашга киришга кетадилар...

Бу хонадаги машаққатли меҳнат, қайноқ ижодий муҳитга кўзим ўрганган кунларнинг бирида, суҳбат чоғида Нодира опадан секин сўрайман: “Опа, қанча машоққат, рўзгорга етдимми?”

Саволим жавобсиз қолади. Опа одатдагидек монитордан кўз узмай, диққат билан ишларини давом эттирадилар. Гўё мен савол бермадим, у киши эшитмадилар.

Бир муддат ўтиб, саволнинг вазиятдан келиб чиқиб пайдо бўлган иккинчи қисмини ҳам илова қиламан: “Уэр, саволим сизга маъқул келмади, шекилли?”

—Йўқ, нега энди, кирои савол бўлди, бироқ тўғри жавобни эшитиб, журналистика касбидан кўнглингиз қолмасин дейман-да, — дейди опа мийғида қулиб. Ва, секингина жавобни айтадилар...

Кутилмаган жавобдан эсанкираб қоламан, “Йўғ-э, дейман, нахотки?! Ахир... бу ҳеч нарсаси эмас-ку. Ҳазиллашасиз шекилли, Нодира опа? Очиги, мен журналистлар яхшигина машоққатли меҳнат, деб ўйлардим. Ахир шунча меҳнат, ташвишга-я?!”

Ва кун бўйи нечанчи бор компьютер титқилаб, фигони чиқиб турган Азамат ака суҳбатга қўшилади:

—Ҳаммаси молиявий аҳволга боғлиқ-да, синглим, бу йил шунақароқ бўлиб турибди. Обунимиз ҳам пасайиб қолган. Назаримда кўпчилик учун маънавий озуқа керак бўлмай қолди ми дейман-да. Бу ёғи бориға барака қилиб, қийинчилик билан бўлса-да газетани чиқариб турибмиз. Яхши бўлиб қолар, Худо хоҳласа...

Арзимеган машоққатли меҳнат, жамоатчиликка маънавият, маърифат тарқатиш, давлатимиз, Президентимиз олиб бораётган сиёсатни амалга оширишда касбларини давом эттиряптилар. Мен, бу каби фидойи касб эгаларига ҳавас қилдим...

(Давоми 4-бетда)

Боши 1-бетда

Янги Ўзбекистон: Янгича таълим тизими ва янгича ёндашувлар

Юқоридаги ислохотларни амалга ошириш учун таълим бериш сифатига эътибор бериш ва ушбу соҳада ишлашнинг жозибадорлигини доимий равишда ошириб бориш зарур. Зеро, миллат ва халқнинг ривожини, унинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ўқитувчилар фаолиятига боғлиқ. Ўқитувчи илм-фан сирлари, маънавий ва маданий меросини ёшларга етказишда муҳим бўлин ҳисобланади. Демак, ўқитувчиларга ўзларининг салоҳиятини тўлиқ намойён этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий қўллаб-қувватлаш даркор.

Сурхондарё вилоятида ҳам мактабгача ва мактаб таълими тизимида жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталмас бўлмайди.

Сурхондарё вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси тизимида 985 та таълим



муассасалари фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда вилоят бўйича 967 та умумий ўрта таълим мактабларида 540 минг 801 нафар ўқувчи ёшларга 48509 нафар педагоглар таълим-тарбия бериб келмоқда. Шундан педагог ходимларнинг 39 минг 382 нафари (81,2 фоиз) олий маълумотли, 2 минг 599 нафари (5,4 фоиз) ўрта махсус ҳамда 6 минг 534 нафари (13,4 фоиз) тугалланмаган олий маълумотли ўқитувчилар ташкил этади. 2024-2025 ўқув йили бўйича вилоятда мавжуд 967 та умумтаълим мактаблар 445039 қувватга эга бўлиб, уларда 550 минг 801 нафар ўқувчилар 1,2 коэффицентда таълим-тарбия олади.

Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда шунинг йили таълим тизимининг жойини, бундан 6 йил аввал асосий фан олимпиадасининг якуний босқичи бўйича Сурхондарё вилояти республикасида умумтаълим мактаблари фанлар бўйича олимпиадаларда 14-ўринни қўлга киритиб, энг охириг ҳудуд бўлиб турган эдик. Мана охириг 2 йилда ўтган йили 7-ўринга чиқдик. Жорий йилда ўтказилган олимпиаданинг республика босқичида ҳам Сурхондарё вилояти ёшлари муносиб иштирок этиб, вилоятимиз республикада умумтаълим мактаблари фанлар бўйича олимпиадаларда 4-ўринни қўлга киритди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керак, 25-26 март кунлари Самарқанд вилоятида кўзи оғиз ва заиф кўрувчи ўқувчилар ўртасида асосий олимпиаданинг Республика босқичи бўлиб ўтди. Бунда математика фанидан Сурхондарё вилояти, Ангор тумани “Нурли маскан” ўқувчиси Зиёдулла Эралиев фохри 1-ўринни эгаллади.

Бундан ташқари, Сурхондарё вилоятида 2022-2023 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг жами 32 минг 654 нафар битирувчи ёшлари тамомлаган бўлиб, ушбу ёшларнинг 10 минг 855 нафари (32, 2 фоиз) турли олий таълим муассасаларига талабалikka тавсия этилган.

Шунингдек, Сурхондарё вилояти ушбу кўрсаткич бўйича республикада 13-ўринни қайд этган бўлса, 2023-2024 ўқув йилида жами 33 минг 120 нафар битирувчи ёшларнинг 11 минг 793 нафари (35,6 фоиз) турли олий таълим муассасаларига талабалikka тавсия этилди ҳамда уларнинг 430 нафари чет эл олий таълим муассасаларига қабул қилинган.



Умумтаълим мактаби битирувчиларнинг Олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичи охириг 5 йил мобайнида 12 фоиздан 35,6 фоизга оширилишига эришилган бўлса, жорий йилда 35, 6 фоиздан 38 фоизга етказиш режалаштирилган. Инсон капитали сифатини оширмасдан туриб, кейинги иқтисодий ўсишни таъминлаш қийин кечади. Шу боис, зарур куч ва ресурсларни таълим сифатини оширишга, малакали кадрлар тайёрлашга йўналтириш нафақат бугун, балки эртанинг ҳам устувор вазифасига айланмоқда.

Демак, ҳулоса қиладиган бўлсак, таълим соҳасидаги ислохотлар ҳам бугунги кунда ўзининг долзарблигини ҳамда амалий аҳамияти билан бошқа соҳалардаги ислохотлардан асло қолишмайди. Чунки ушбу соҳадаги ислохотларни янада кенг қўламда давом эттириш давр талабидир.

Дилбар СУВОНОВА,
Сурхондарё вилоят Халқ қабулхонаси мудирин, сенатор.

Ёшим саксондан ошиб, айни пайтда кексалик гаштини сурьяман. Утган умримнинг деярли ярмисидан кўпини меҳнат фаолиятига бағишлаганман.

Бир мўддат ҳайдовчилик қилдим. Кейинроқ, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш мақсадида автодўкон бошқариб, уйма-уй зарур озиқ-овқат, кундалик эҳтиёж моллари тарқатганман. Уша замонларда олис қишлоқларнинг ҳаммасида ҳам дўконлар бўлмас, кўнма автодўкон аҳолининг ягона илнжи эди. Аллоҳга шукрки, ҳозир яшаш тарзимиз мутлақо бошқача. Қишлоқларда ҳам шаҳардадиган қолишмайдиган турфа савдо, хизмат кўрсатиш нуқталари бисёр. Излаган нарсангни, лозим бўлса, уйда ўтириб ҳам топаверсан...

Ёши улўғ пенсионер сифатида мен мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, кексаю ёшга фаровон турмуш учун қулай шароитлар яратиш борасида Президентимиз томонидан олиб борилаётган ишлар натижаларини кузатиб бораман. Айниқса, биз кекса авлод вакилларига давлат даражасида қилинаётган эътибор ҳар қанча таҳсинга лойик деб биламан. Ҳеч бир муаммосиз ўз вақтида пенсия ва нафақаларимизни олиб турибмиз, аҳволи оғир, ногирон кексаларга эса давлат томонидан турли даражадаги имтиёзлар бериляпти.

Ўзим ҳам яқинда давлатимиз томонидан биз нурунийлар учун яратилган имкониятлар, берилаётган имтиёзлардан фойдаланиб, мамлакатимизда кекса авлодга бўлган ҳурмат-эътибор шунчаки қоғозда эмас, ҳаётий ҳақиқат эканлигига, бу борадаги ислохотлар бардавом бўлаётганлигига амин бўлдим.

Бир мўддат муқаддам фарзандларим биз нурунийларга берилаётган имтиёзлардан фойдаланиб, бепул санаторияга бориш таклифини беришганди. Бу таклифга ишониб-ишонмай туман ижтимоий таъминот (ҳозирги “Инсон” ижтимоий марказига) ариза билан мурожаат қилгандим. Яқинда эса мени қақириб қўлимага Олтиарикдаги нурунийлар санаторийсига бепул даволаниш учун имтиёзли йўлланма беришди.

Ўн кундан ортиқ вақт давомида республикаимизнинг энг шинам санаторийларидан бўлган ушбу масканда ҳам дам олиб, ҳам саломатлигимни тикладим. У ерда биз нурунийлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилишган экан. Уч вақт иссиқ таом, турли мавзўдаги маданий-маърифий тадбирлар, саломатлик муолажалари билан вақтингиз қандай ўтганлигини билмай қоласиз. Мўҳими, мен ёшим бир жойга борган бир пайтда санаторийда янги дўстлар, биродарлар орттирдим. Яхши инсонлар билан танишдим. Улар билан ўтказган дамларим, мазмунли ширин

Бу гапларни ёшларимиз ҳам ёдлаб олганлари аянчли ҳол. Китоб берган маълумотни ҳеч нарса бера олмайди. Газета-журнал ҳам ана шундай китобнинг бир бўлагини. Бу миллат етакчисининг ҳақли эътирози ва аччиқ эътирофи. Бу ҳақда элимизнинг севимли ёзувчиси Ўткир Хошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” асаридаги бир ибратни келтиришимиз жоиз. “Тарих тақоррланиб туради”, деган гап бор. Инсоният ибтидоий жамоага қайтиши мумкин. Бунинг белгилари ҳозирдан кўриняпти, китоб ўқийдиганлар қамайиб боряпти”.

Кейинги пайтларда ёшларимизнинг китобга меҳрлари узоқлашмоқда. Бундай номуносиб ҳолатлардан қатталар ҳам мустасно эмас. Назаримда, бу ҳолатга

БАЙРАМ АРАФАСИДАГИ ЎЙЛАР

биринчи сабаб матбуотдан хабарсизлик, газета-журнал ўқимаслик, обуна бўлмаслик деб биламан. Тарихчи олим Исоҳқон Тўра Ибратнинг ҳикматли сўзи фикримизнинг исботи бўла олади, деб ўйлайман: “Газета кўрмаган беҳабар халқлар мисли ўлгандир, ё ухлаган” — деган эди. Газета кўнгилни гўборлардан тозалайди, онгу тафаккурни, дунёқарашни шакллантиради. Шунинг учун ҳам тўртинчи ҳокимият аталмиш матбуотнинг аҳамияти нечоғли зарур эканлигини ёшларимизга тушунтирмоғимиз даркор.

Буюк ёзувчи Артур Шопенгауэр шундай деган эди: “Бизнинг мактабларимизда, энг асосийси — газета ўқишни ўргатишмайди”. Аммо хорижда биздан кўра газета-журналга эътибор қучлироқ. Бир маълумотни ўқиган эдим. Хорижда кўп саҳифали кундалик газеталар эрталаб нашр этилган бўлса ҳам, бирор оламшумул янгилик ёки ҳодиса юз берган хабар келиб қолса, кечқурун шу ахборот билан газета қайтадан чоп этилади. Бундай ҳозиржавоб хабарлар Япония, Германия ва АҚШда нашр этиладиган газеталарда кўплаб учрайди. Матбуот

ходимларининг қанчалик заҳматли, машаққатли меҳнатлари натижасида дунё юзини кўрувчи китобнинг яқин дўсти, шеригига бепарво бўлиб қолдик?

Телевизор пултини бурашдан илгари газетага ҳам бир кўр кўз югуртирсалар, буни доимий одат тусига айлантирсалар нур устига аъло нур бўларди. Бу келгуси авлодларга, ёшларга ибрат бўлиб, маърифатдан узоқлашмаслик оdatига айланармиди? Эсимда, биз ўқувчилик йилларимизда газета-журналларни ёшимизга мосини қизиқиш билан ўқир эдик. “Гулхан”, “Фунча” журналлари, “Тонг юлдузи” газетаси биз учун севимли эди ва мактабда мажбурий обуна қилинарди. Газета-журналларнинг ҳар бир сонини орзиқиб кутар эдик, гард юқтирмай, асраб-авайлардик, ардоқлардик, йиғар эдик. Китоб жовони йўқ хонадон соҳиб-

бақувват ҳамда соғлом бўлади. Демак, ҳақиқий газета юракдан айланиб ўтувчи тоза қон мисол жамиятни турли гўборлардан, иллатлардан тозалайди.

Одамзот бир умр комилликка интилади. Лекин бундай мухташам ва мунаввар манзилга етиш учун албатта кўп мутолаа қилиш, газета-журнални кўп ўқиш, кўп эшитиш лозим, албатта, энг сараларини, энг фойдалиларини...

Одамзотнинг ҳақиқатга бўлган эҳтиёжи то қиёматгача қонмайди. Ҳақиқатни англаш, ҳақиқатпарвар бўлиш учун Ҳақни таний билиш керак. Бунинг учун яна ўша китоб ёрдамга қўлини чўзади. Газетачилик қанчалар машаққатли юмуш. Аммо ҳаммаша қоронгу тун ортида оппоқ тонг, мунаввар кун тургани каби газетачиликдай машаққатли юмушлар ортида муштарийлар қалбига газета орқали қирадиган ёруғ туйғулар, болдан ширин маърифий, маънавий озуқалар кўнгилга тасалли беради. Газетани ўқиб турган кишининг ҳамма

чарчоқлари эсдан чиқиб кетади. Азиз бойсунлик биродарларим! Бизнинг фаҳримиз, маънавий бойлигимиз “Бойсун” газетасини ўқиб, мутолаа қилинг, қалбингиз гиёҳсиз саҳрога айланмасин, кўнглингизда эзгуликлар, яхшиликлар гуллардай яшасин. Газета бу — ўқимишли, янгиликлардан хабардор қилиш маҳсули. Газета бу бизнинг маънавиятимиздан, маърифатимиздан дарак-ку! Хонадонига ҳеч бўлмаса “Бойсун” газетаси ташриф буюрмаган хонадон соҳиб-соҳибалари ўзини бойсунлик атамасин! Сўзларимни малол олмай, мағзини қақинг азиз замондош!

Барча журналистларни касб байрамлари билан табриклаб, уларнинг машаққатли ва шарафли ишларида омад ёр бўлишига тилақдошман. Ҳақиқат, адолатни ёритувчи эзгулик ва яхшиликларни битувчи қаламингиз асло тинмасин, толмасин!

Дилбар Йўлдошева,
Халқ таълими аълочиси, Ўзбекистон ёзувчилар уюммаси аъзоси.

Зухра ИСМАТУЛЛАЕВА,
Бойсун 1-политехникуми ўқитувчиси.

MAROQLI HORDIQ YANGI O'QUV YILI UCHUN ZAMIN

Davlatimiz rahbari tashabbusi bilan yo'lga qo'yilgan “Dolzarb 90 kun” loyihasi doirasida 2025-yil 1-iyunidan 30 avgustiga qadar yoshlarni bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazish, ularni sog'lomlashtirish, kasb-hunarga yo'naltirish, shuningdek, ta'lim tashkilotlari o'rtasida yoz oylarida samarali hamkorlikni yo'lga qo'yish ustuvor vazifalar sifatida belgilangan.

Mazkur tashabbus doirasida bizning ta'lim muassasamizda ham bir qator vazifalar belgilab olindi. Ta'til boshlanishi bilan biz ustozlar bir-biridan qiziqarli fan to'garaklarini tashkil etib, o'quvchilarni bunga jalb etdik. Maktabimiz qishloqda joylashgani bois yozda bu yerda turli yumushlar ko'payadi. Aksariyat farzandlarimiz uy ishlari bilan band bo'lib, kitobxonlik, mashg'ulotlardan bir muncha uzoqlashadi. Buning oldini olish maqsadida onlayn o'quv kurslari tashkil etib, ularning bo'sh qolgan vaqtlariga misol-masallarga yechish, fizikaga oid qiziqarli mashg'ulotlar o'tkazmoqdamiz. Bundan tashqari, maktabimiz sport maydonida futbol, voleybol, yugurish musobaqalarini muntazam o'tkazib turibmiz. Bu yil maktabni bitirgan abituriyentlarimizga esa tanlagan yo'nalishlari



bo'yicha darslar o'tib, amaliy yordam ko'rsatmoqdamiz. Boshlang'ich sinflarda sog'lomlashtirish lagerlari tashkil etib, maroqli hordiq chiqarishlariga sharoit ham yaratilgan. Matematika va informatika fanlariga qiziqadigan o'quvchilarga esa alohida fan to'garaklari tashkil etdik. Shuningdek, bolalar bilan birgalikda viloyatimiz va qo'shni viloyatlarga sayohat uyushtirib, diqqatga sazovor manzillar, qadimiy obidalar bilan ularni tanishtirish niyatimiz bor. Bu esa ularni bekor qolib, har xil nomaqbul ishlar bilan shug'ullanishlarining oldini olib, ma'naviyatlarini boyitadi. Va kitobxonlikka, ijodkorlikka boshlaydi, deb o'ylaymiz.

“Dolzarb 90 kun” loyihasi doirasida amalga oshirilayotgan mazkur ishlar yoshlar bandligini ta'minlash, ularni barkamol avlod etib tarbiyalash, milliy qadriyatlar va vatanparvarlik ruhini ularda shakllantirish biz ustozlarning burchimizdir. Biz Prezidentimizning bu tashabbuslarini qo'llab-quvvatlaymiz, o'quvchilarimizning bo'sh vaqtlarini mazmunli va maroqli o'tkazishga harakat qilamiz.

Panji MENGLIYEV,
O'ktam TOSHPOLATOV,
32-umumta'lim maktabi o'qituvchilari.

НУРУНИЙЛАРГА ЭЪТИБОР УЧУН МИННАТДОРМАН



сухбатлардан бир олам завқ олдим. Дарвоқе, саломатлик марказида бойсунлик ҳамюртим, узоқ йиллар таълим тизимида фаолият кўрсатиб келган, айни пайтда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган ажойиб инсон Халил Фафоров билан ҳам танишдим. Халилбойнинг пурмаъно гурунглари, адабиётдан яхши хабардор эканликлари учунми, тонготаргача

сухбатларимиз кўп бўлди... Сихатгоҳда олган муолажаларим туфайли саломатлигим анча яхшиланди, ҳозир жуда яхши кайфиятдаман. Бунинг учун бир нуруний сифатида давлатимиз раҳбарига, ҳукуматимизга биз кексалар учун кўрсатаётган ғамхўрликлари учун миннатдорчилик билдираман.

Хуррам АБДУРАҲМОНОВ,
Хўжабулғон маҳалласи.

Кўни-кўшничилик одобиға риюя қилиш халқимиз учун отамерос одат. Ҳатто “Гилам сотсанг кўшнингга сот, бир учида ўзинг ҳам ўтирасан” қабилладаги халқона мақолимиз ҳам бор. Яна, кўшничилик минг йилчилик, деб ҳам айтამиз. Бу мақол, кўшничилик бир умрлик деган маънони аналгатади.

Афсуски, ҳозир ҳам орамизда кўни-кўшничилик одобиға риюя қилишга даъват этувчи мана шундай пурмаъно мақолларимиз мазмун-моҳиятини англамаган, кўшнининг ҳовлисига ёмон кўз билан қаровчи кимсалар бор экан. Тўда қишлоғида яшовчи А.Т ҳамда Б.Қ мана шундай тоифадаги кимсалар бўлиб чиқди.

Деярли тенг-тўш бўлган бу икки ҳамтовок кечаси “ҳамшиша” бўлиб ароқхўрлик қилгани қамлик қилгандек, ўша зорманданинг таъсиридан бошлари “қизиб” ҳамқишлоқлари Э.М нинг девори оша унинг хонадонига ўғирликка тушади. Қарасаларки эгасиз уйда бозор нархи 600 минг сўмлик бир дона “Оскар” русумли электр печ, 210 минг сўмлик бир дона “Лидер” электр печи, электриклар симёғочга қикишда ишлатиладиган “қохта”, 110 минг сўмлик бир дона “саламандра” оёқ қийими, 20 метр электр токи кабели, ҳатто ҳар кимнинг ҳам назари тушавемайдиган 2 дона ток қайичини (жами 1,8 миллион сўмлик асбоб-ускуна ва пойафзалларни) ўмариб, яқин кўшнилари Э.М га кўп микдорда моддий зарар етказишади.

Икки оғайни кўшнининг ноқонуний ҳатти-ҳаракати ортида моддий манфаат ёғгани учун ҳам улар дарҳол

ўғирланган буюмларни пуллашга ҳаракат қилишади. Жумладан, улар симёғочга қикиш учун ишлатиладиган “қохта” асбобини яна бир ҳамқишлоғи Ш.Мирзаназаровга 60 минг сўмга пуллашга улғуришади. Аммо кейинчалик сир очилгач Ш.Мирзаназаров ўша пулларни қайтариб олади ва бу ҳақда судга ҳолис гувоҳлик ҳам беради.

2025 йилнинг 20 май кўни бўлиб ўтган жиноят ишлари бўйича Бойсун туман судининг очиқ суд мажлисида ҳамтовоклар қилган жиноятларини тан олган ва жабрланганларнинг зарарини қоплаб берганларини таъкидлаган бўлсалар-да, суд Ўзбекистон ЖКнинг тегишли моддаларини қўллаб, уларнинг ҳар иккисига иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил мўддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Ҳа, азизлар, ўғирлик қилиб манфаат кўриш жиноятини кўни-кўшничилик ҳурмати ва одобидан устун қўрганлар қисматиға алап-оқибат мана шундай оғир кўргилик битилиши муқаррар. Шундай экан, ҳар қандай вазиятда ҳам кўшнингиз ҳовлисига ҳеч қачон ёмон кўз билан назар ташламанг. Зеро, бу каби ноодатий ҳаракат, энг аввало миллий қадриятимизга, қолаверса, амалдаги қонунларимизга ҳам тўғри келмайдиган иш.

Ж.НИЯЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори.

NOGIRONLAR BANDLIGINI TA`MINLASHGA DOIR

“Nogironligi boʻlgan shaxslarning bandligini taʼminlash tizimini takomillashtirishga oid qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi Prezident Farmoni qabul qilindi.

Farmonga koʻra, 2025-yil 15-maydan Kambagʻal oilalar reestriga kiritilgan va ushbu reestrga tushish xavfi boʻlgan oilalar “qizil”, “sariq” va “yashil” toifalarga taqsimlanadi hamda jittinoiy qoʻllab-quvvatlash choralari ularning toifasiga qarab koʻrsatiladi.

“Qizil” toifaga — oila aʼzolarining har biriga toʻgʻri keladigan oʻrtacha oylik daromad minimal isteʼmol xarajatlaridan kam boʻlgan hamda aʼzolari sogʻligʻi holatiga koʻra mehnat qilish imkoniyatiga ega boʻlgan oilalar kiritiladi.

—aʼzolarning kamida 1 nafari sogʻligʻining holatiga koʻra mehnat qilish imkoniyatiga ega boʻlmagan;

—parvarishga muhtoj aʼzosi, shu jumladan, nogironligi mavjud boʻlgan farzandi boʻlgan;

—oʻzgarlar parvarishiga muhtoj yolgʻiz yashovchi yoki yolgʻiz kexsa yoxud yolgʻiz nogironligi boʻlgan shaxsdan iborat boʻlgan;

—boquvchisi yoʻqotgan yoki boquvchisiʼjazoni ijro etish muassasasida boʻlgan oila;

“Sariq” toifaga —oila aʼzolarining har biriga

toʻgʻri keladigan oʻrtacha oylik daromadi minimal isteʼmol xarajatlaridan kam boʻlgan hamda aʼzolari sogʻligʻi holatiga koʻra mehnat qilish imkoniyatiga ega boʻlgan oilalar kiritiladi.

“Yashil” toifaga —oila aʼzolarining har biriga toʻgʻri keladigan oʻrtacha oylik daromadi minimal isteʼmol xarajatlarining 1 baravaridan 1,5 baravarigacha boʻlgan va quyidagi mezonlarning biriga javob beradigan oilalar kiritiladi:

—oila “qizil” yoki “sariq” toifadan chiqarilgan boʻlsa;

—oilaning kambagʻal oilalar reestriga kiritilishi ehtimoli yuqori boʻlsa.

Farmon bilan asosiy maqsadlar etib quyidagilar belgilandi:

—nogironligi boʻlgan shaxslarning samarali faoliyat koʻrsatishi uchun maxsus xizmatlar tizimini joriy etish;

—nogironligi boʻlgan yoshlarni zamonaviy kasblarga oʻqitish, ularning mehnat bozoriga kirishi uchun qoʻshimcha imkoniyatlar yaratish;

—2025-yil yakuniga qadar 80 ming nogironligi boʻlgan shaxsning barqaror bandligi va munosib daromad topishini taʼminlash.

Shavkat TOGʻAYEV,
Boysun tuman Davlat xizmatlari markazi bosh mutaxassisi.

Хаммамизга маълумки, ошхона ишларида, айникса, қовурилган таомлар тайёрлана-ётгдан бир марта ишлатилган ёғни қайта-қайта ишлатиш одатий ҳолга айланиб қол-ган. Кўпчилик бу орқали маблагни тежайман, деб ўйлайди.

Аммо бундай амалиёт аслида инсон саломатлиги учун жуда хавфли оқибатларга олиб ке-лади. Биз қайта ишлатадиган ёғ ҳар гал юқори ҳароратда қиздирилганда унинг таркиби ўзга-ради, ушбу жараёндаги табиий бирикмалар парчаланиб, зарарли кимёвий моддалар, хусусан, “канцерогенлар”, “транс ёғлар” ҳосил бўлади.

Айнан шу моддаларнинг тўпланиши инсон саломатлиги учун катта таҳдид туғдиради, қайта ишлатил-ган ёғ таркибидаги афеломид ва бензобирен моддаларининг узок муддат организмга кириб бориши саратон касалликлари хавфини оширади. Айникса, жигар, ошқозон ва ичак каби ички аъзоларимиз энг кўп зарарланади, ёғ қиздирилган сари ундаги транс ёғлар сони ортади ва бу моддалар юрак-қон томир тизимига салбий таъсир кўрсатиб, ёмон холестерин миқдорини оширади, қон томирларига тикилиб,

ҚАЙТА-ҚАЙТА ИШЛАТИЛАДИГАН ЁҒЛАР САРАТОН ЧАҚИРАДИ

Шунингдек, бундай ёғлар ҳазм тизими фаолиятини издан чиқаради, оғир ҳазм бўлиш, ошқозон шил-лик қаватининг қичиши, ич кетиши ёки ақсинча, қабзиятга олиб келиши мумкин. Агар исталган сабабга кўра ёғни қайта ишлатишга мажбур бўлсангиз, айрим гигиеник ва хавфсизлик қоидаларига риоя қили-шингиз лозим. Биринчи навбатда ишлатилган ёғни сузиб олиш, яъни ундаги кейин кетган таом қолдиқла-ридан тозалаб ташлашингиз керак бўлади, чунки уларнинг мавжуд бўлиши кейинги ишлатиш жараёнида-ги зарарли моддаларнинг ҳосил бўлишини тезлаштиради. Ёғни тоза ва ҳаво билан алоқаси чекланган идишда салқин ва қоронғу жойда сақлаш тавсия этилади. Бироқ шунга қарамай, ёғни икки мартадан ортқ ишлатиш тавсия этилмайди. Ёғнинг ранги ўзгарган, аччиқ ёки ёқимсиз ҳид ҳамда устида кўпик ва хиралик пайдо бўлса бундай ёғлар фойдаланишга яроқсиз ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда, ёғни қайта-қайта ишлатиш, кўринишидан оддий, аммо асоратлари оғир бўлган зарарли одатдир.

Бу одатни тарқ этиш орқали кўплаб хавфли касалликларнинг олдини олиш, организмда токсинлар ййгилишини тўхтатиш, ҳаёт сифатини ошириш мумкин. Шунинг учун ҳар бир овқат тайёрлашдан аввал саломатлигингиз ҳақида ўйланг. Зеро, соғлиқ бу энг катта бойлигимиздир.

С.КУРБОНОВ, Бойсун туман СЗО ва ЖСБ санитария врачи ёрдамчиси.

26 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

ТИЁҲВАНДЛИК УМР ЗАВОЛИ

Маълумки, ҳар йил 26 июнь бутун дунёда халқро гиёҳвандликка қарши кураш кўни сифатида нишонланади. Бироқ бу унинг олдини олишга қаратилган профилактик тарғибот-лар маълум бир кўнлар доирасида чегараланади дегани эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчиликни назорат қилиш бо-шқармасининг маълумотларига кўра дунёда гиёҳ-ванд моддалар истеъмол қилувчилар сони аллақа-чон 300 миллион кишига яқинлашиб қолган.

Аммо бугунги дунёда биргина БМТнинг наркотикларга қарши курашиш қамрови дунёнинг барча мамлакатларини бир-дек қамраб олишининг амалда имконсизлиги, қолаверса, баъ-зи бир мамлакатлар, хусусан, Африка, Лотин Америкаси дав-латлари, Афғонистон каби наркотик моддалар энг кўп айла-надиган ҳудудларда бу борада статистик маълумотлар ҳақиқат-га тўғри келмаслиги эътиборга олинса, амалда юқоридаги рақам анча каттароқ бўлиши мумкинлигига шубҳа йўқ. Бун-дан ташқари бутун дунё миқёсида ёшларнинг синтетик гиёҳ-ванд моддалар истеъмолига ҳаддан ташқари кўп ружу қўйи-шаётгани ахвол янада тарагналушвига сабаб бўлмоқда.

Гиёҳвандлик чегара билмас муаммо сифатида эътироф эти-лади. Уни бекорга XXI аср вабоси дейишмаган. Аслида таъсир доираси вабодан ҳам дахшатлироқ бўлган бу ҳар ортида мисли кўрилмаган моддий манфаат кўриш жинояти яширин эканлиги учун ҳам барча халқлар, мамлакатлар учун энг катта иқтисодий зарар келтирувчи ҳисобланади. Афсуски, бугунги кун-га келиб бу офатга қарши алоҳида давлат, маълум бир ҳудуд

Хар сол дар ин айёми тамузи тобистон чашни рўзномани-горони кишвармон чашн гирифта мешавад. Воқеан, кори рўзно-манигорон ва махсусан он афродҳое, ки бо забони тоҷики кору эҷод мекунанд, хеле сахту сангин аст, дар ин муҳит.

Соли 1991 чун дар рўзномаи “Ҳақиқати Ўзбекистон”, ҳоло бо номи “Овози тоҷик” нашр мешавад, чанд моҳ қабл ба кор оғоз карда буд-ам. Маро лозим меомад, ки зуд-зуд ба сафарҳои эҷодӣ баромада, маводди лозимӣ гун қунам ва дар баробари он обунаи рўзномаро зиёд намоям.

Аз баски дар ин чода тачрибае надоштам, бисёр замон аз сафа-рхо дилшикаставу ноумед бармегаштам. Ба ҳамин васила кор мекар-дам бо одамон, ошной пайдо мекардам бо мухити ин давр. Ҳамин тариқ, мавсими обуна низ даррасид. Моро лозим меомад, ки ҳафтаи дароз дар воҳаи Сурхон гашту гузор карда, обу-наи рўзномаро бо муштариҳо гуфтугӯ намоям. Чун маъму-рияти ҳокимияти Сурхондарё дар шаҳри кўҳани Тирмиз чой-гузин буд, ҳама қорафтодагон ба марказ омада, бо сарони вилоят гуфтугӯ карда, кори хешро ҳаллу фасл мекарданд. Банда низ бо роҳбарону мутасаддиёни ин кор вохўрда, дар бораи ташкили обунаи рўзнома бо онҳо сўхбатҳо меорос-там. Бисёр замон ин ҳама сарснихо ҳеч натиҷае намеодд. Роҳбарон ба чўз ваъдабозӣ ҳеч қореро ба сомон намерасон-ниданд. Боре ба идораи рўзномаи вилоятии “Сурхон тонги” сархалонидам ва бо як чавонмарди миёнақади дилкушоое ошно шудам. Ҳудуро Муҳаммадҷон Азимов гўён ба банда муаррифӣ кард. Вазифаи мудири шўъбаро дар ўҳда дошта-аст, дар ин рўзнома. Баъд ў чанд сол сармуҳаррири ин рўзно-маро бардўш дошт. Вай иброз кард, ки аслан дар ноҳияи Кубодиёни чумхурии Тоҷикистон дида ба дунё дўхта, дар ҳамин ноҳия тахсилоти мактаби ҳамагониро фарогирифта будааст. Модараш тоҷику падараш аз табари қатағонҳои деҳаи Хатак будааст. Забони тоҷикиро бо лаҳни шикаста ҳарф мезад. Пас аз хатми мактаб оилаи онҳо ба ноҳияи Ангор кўчида меоянд. Ў факултаи рўзноманигории дониш-гоҳи давлатии шаҳри Тошкентро хатм карда, кори номзади хешро дар мавзўи “Хофизии Шерозӣ шоири газалсаро” дифоъ мекунад. Дар мавзўи “Хофизии Шерозӣ шоири газалсаро” маҷмўаи мақолаҳоро низ ба чоп расонида будааст. Сўхбати ў хеле дилнишин буд. Чун аз ақои Муҳаммадҷон аз боби обуна пурсон шудам, ў иброз дошт, ки ҳокими-яти Сурхондарё рўзномаи онҳоро аз ҳар ҷониб дастгирӣ мекардааст. Ў гуфт, ки агар роҳбарияти рўзнома ба ҳокими вилоят расман муро-ҷиат кунад, беғуфтугӯ ба рўзномаи онҳо нис қўмак хоҳад расонд.

Он рўз, ман бо ақои Муҳаммадҷон сўхбати тўлонӣ ва хотирмоне доштем. Ва ин марди сўхбаторову дилкушо ба ман хеле писанд аф-тод.

Ва чун сафарам ба ин шаҳри кўҳан рост меомад, ўро надида ба ҳеч идорае сарнамеҳалонидам. Рафта-рафта ин шиносой ба риштаи бардарӣ пайвасти. Муҳаммадҷон Азимов машваратчи доимии ман буд, дар кори обуна. Пас аз ин шиносоиҳо ў рўзномаи моро мунта-зам мутолиа мекард, дар бораи маводҳои он андешаҳои хешро баён менамуд. Ҳамин тариқ, то охири сол банда мавсими обуноро бо азо-бҳои зиёд чамъбааст кардам. Азбаски аз давраи донишчўиям ба на-виштини ҳикоя шавқи беандоза доштам, дар ин раванд гоҳ-гоҳ маш-ғули ин машқи шавқангез шуда, чанд ҳикояҳоямро ба чоп омода кар-да будам. “Силаи қисмат” ном ҳикояамро ба рўзнома фиристода будам он рўзҳо. Онро аҳли қалами рўзнома писанд дида, ба ҳонан-дагон пешниҳод карданд. Рўзе ҳамин шумораю ба ақои Муҳаммадҷ-он тақдим кардам. Чун бори дигар ба дидорбинии Азимов омодам, ў маро бо як хиссу ҳаҷачон табрик намуда, иброз дошт, ки онро тарҷума карда, ба ҳаياتи таҳририяти рўзнома супорида будааст. Ў он замон гуфт: — Ҳикоя хеле хуб иншо шудааст. Махсусан, банду басти он, чамъбасти воқеъа, хеле хуб нигошта шудааст. Дар фароварди суҳа-наш гуфт, ки бо кори таъҷиле банд аст, пас аз чошт ояд, кай чопш-дани онро аниқ хоҳад гуфт.

Ҳамон рўз беғоҳи ба идораи рўзнома омадам. Ў ханўзам машғули кор буд, Маро дидан баробар аз чойиш хеста табрик кард. Ва пасон афзуд:

—Ҳикояро котиби масъул ҳонда бозпас ба ман баргардонид. Са-

27 ИЮНЬ - РЎЗИ КОРМАНДОНИ МАТБУОТ ВА ВОСИТАҲОИ АҲБОРИ ОММАВӢ

вабашро пурсам, меғўяд, ки муаллиф қаламкаши маш-хур нест, шояд ў ин навиш-таро аз чое рўйбардор кар-да бошад. Ба ў ҳарфе нагуфта ба назди сарму-ҳаррир дарома-дам ва буду



шуди гуфтаҳои ўро иброз намуда, хоҳиш кардам, ки онро ҳамчун му-ҳаррир хонда барояд. Пас аз як соат ў маро бо наздаш хонда, ҳикояро ба дастам дода гуфт, ки ин ҳикоя хеле хуб нигошта шудагӣ, боз дар мавзўи тарихӣ. Ба ман писанд омад. Муаллифашро мешиносед гуфт ў. — Гуфтам, ки дар рўзномаи “Овози тоҷик” кор мекунад. — Ин дам муҳаррир каме истода, ҳа, ҳа ўро мешиносам. Бо ў чанд бор дар чаласаҳои ҳокимият ҳамроҳ дар як чо нишаста, каме сўхбат ораста будем. Дар айни ин сўхбат котиби масъул низ ба утоқи муҳаррир даромад. Ҳикояро аз дасти ман гирифта ба котиби масъул дода гуфт, ки онро дар саҳифаи чаҳорум чой диҳад. Ман ноаён аз утоқи муҳар-рир берун шудам. Ҳамин тариқ, аввалин ҳикояи банда бо забони ўзбекӣ тарҷума шуд, бо хайрхоҳии Муҳаммадҷон Азимов.

Мо бо Исхандари Мирзо ёдномаи деҳаи Дарбандро ба чоп омода мекардем. Маводҳоро аз ҳар ноҳия бо кўмаки ҳамдиёрон гун карда, ба навиштини ин китоб оғоз намудем. Рўзе Муҳаммадҷонака аз ин иқдоми мо бохабар шуда, бо хушҳолӣ гуфт:

—Аҷаб кори хайре мекунетон. аз ин пас чун ҳар бор бо ҳам рў ба рў оем аз қору бори мо пурсон мешуд, барои ҳарчи зудтар анҷомдо-дани ин кори хайр ба мо маслиҳат меод. Боре, ман аз ў хоҳиш кардам, ки дар бораи Шариф Бобоев — ҳамдиёри мо, яке аз ташаб-бускорони заминҳои лаллии дашти Музработ ба ҳисоб меарафт, ки ў низ бо ин марди нақўном шиносии самимий дошт, хоҳиш кардам, хотираҳои хешро рўи қоғаз орад. Ва ў ин хоҳиши маро ба чо овард. Муҳаммадҷонака дар бораи ин марди нақўном як очерки хеле хонаву хотирмоне нигошт, ки он ба бисёр дарбандиён писанд омад.

Боре Муҳаммадҷон дар сўхбате ба ман иброз кард, намунаҳои эҷодашро ба дасташ супорам, онро ба забони ўзбекӣ тарҷума кар-дани будааст. Ман қарор додам, ки чанд ҳикояамро ба ў медиҳам. Чанде баъд ҳикояи “Арвоҳзада”-ро ба даст ў додам. Як ҳафта нагу-зашта онро дар саҳифаи рўзномаи “Сурхон тонги” хонда, ба Мухам-мадҷонака занг зада, изҳори миннатдории хешро баён кардам.

Чуноне ки дар боло арз кардем, Муҳаммадҷон Азимов олими ҳама-дон буд. Китобҳои гуногунро бо забони тоҷикӣ ва ўзбекӣ мутолиа мекард. Дар бораи таърихи ин ду миллат маълумотҳои зиёдеро азбар

ҚОРАОҚСОҚААН ЭҲТИЁТ БЎЛИНИҒ!

Маълумки, сунгги вақтларда дунёдаги қатор мамлакатлардаги юқумли касалликлар, айникса, ҳайвонлардан одамларга юқадиган қутуриш, кўй-дирги, бруцеллёз (қораоқсоқ), гемморогик иситма каби хасталиклар қайд этилаётганлиги ва айрим ҳолатларда фуқароларда касаллик ўлим билан тугаётганлиги инсониятни гоъят ташвишга солимоқда. Шунинг учун ҳам ҳай-вонлардан одамларга ўтадиган юқумли касалликларни тўғрисида ҳар бир фу-қаронинг хабардор бўлиши ва эҳтиёт чораларини кўриши хасталикларни олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Бруцеллёз (қораоқсоқ) касаллиги одамларга асосан қорамол, қўй-эч-киларнинг кўпайиши вақтида уларнинг сўлаги, сути, қон ва янги туғилган кўзичоқ ҳамда бузоқларнинг йўлдош суюқликлари орқали юқиб, унинг мик-роблари билан теварак-атроф зарарланади. Шунингдек, қорва моллари боқиш, уларнинг маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнларида ҳам касал бўлган ҳайвон гўшти, жигари, калла-почалари етарли пиширилмасдан ва улардан олинган сут, қаймоқ хом ҳолатда истеъмол қилинганда ҳам одам-ларга юқadi.

Қораоқсоқ касаллиги туфайли инсоннинг суяк бўғимлари, асаб тизим-лари шикастланиб, умрбод ногирон бўлиб қолиши, аёлларда ҳомила туши-ши ҳамда эркак ва аёлларнинг бепушт бўлиб қолишига олиб келиши мум-кин. Шу сабабли хонадонларда боқилаётган қорва молларини ҳудудий ве-теринария врачлари томонидан бруцеллёз касаллигига қарши бир марта баҳор ойида эмлатиш, уларнинг қонидан намуна олиниб, вақти-вақти бил-лан лабораторияда бруцеллёз касаллиги бўйича текширтириш зарур. Агар шу хасталик билан касалланган бўлса, уларнинг гўшти ва калла-почаси, сут ва сут маҳсулотларини бозорларда сотиш, истеъмол қилиш қатъийан ман этилади.

Касаллик аломатлари пайдо бўлган ёки сезилган ҳар бир ҳолатда зуд-лик билан шифохонага мурожаат қилишни унутманг.

А.КЕНЖАЕВ,
Бойсун туман ветеринария ва қорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи.

Ж.ПАРДАЕВ,
туман СЗО ва ЖС бўлими эпидемиолог врач ёрдамчиси.

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШДА ЯНГИ ИМКОНИЙАТ

2025 йил 8 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг “Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳия-тини ошириш ҳамда қайта ишлаш занжирини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Қарордан кўзланган мақсад қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорт салоҳиятини янада ошириш, мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдала-ниш, қайта ишлаш, сақлаш, экспорт қилиш ва кооперация тизимини жорий этиш жараёнларини ўзаро интеграция қилишдан иборат.

Қишлоқ ҳўжалиги кооперацияси амалиёти Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90-йилларида кенг тарқалган эди. Бироқ иқтисодиёт трансформациялани-ши ва бозор механизмларига ўтилганлиги сабабли қишлоқ ҳўжалиги коо-перативлари норентабел бўлиб қолди. Уларнинг ерлари боқичма-боқич қ фермер ҳўжаликларига берилди ва кооперативларнинг ўзи эса қайта таш-кил этила бошланди. Бошқа томондан вақт ўтиши билан норматив ба-за (“Кооперация тўғрисида”, “Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкат ҳўжали-ги) тўғрисида”ги қонунлар ва бошқалар) эскирди. Бундай ҳолат давлатнинг ўшбу иқтисодий фаолият шаклини “жонлантириш” бўйича аниқ чоралар кўри-шига замин яратди.

Янги қишлоқ ҳўжалиги бирлашмаларига ихтиёрлик ва пай асосида иш-тирок этиш таъминиларида мусақил ва ўзаро боғлиқ қишлоқ ҳўжалиги кор-хоналари, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари қиради.

Бахтиёр СОЛАЕВ,
Салоҳиддин МАҲМУДОВ,
ўсимликлар карантини ва ҳимоси инспекторлари.

СИНА МОЛОМОЛИ ДАРДАСТ...

Ё ХУД, ЧАНД ХОТИРОТЕ БА ЁДИ ОЛИМ ВА РЎЗНОМАНИГОРИ ВОЛОСУХАН МУҲАММАДҶОН АЗИМОВ

медонист. Дар бораи воҳаи Сурхон, шаҳри Тирмиз чанд кито-би таърихӣ-публистистӣ чоп карда буд. Аз адабиёти ўзбек ва тоҷик бохабар буд. Шеърҳои шоирони классикиро баъзан ба доҳатан қироат мекард. Чун мавридаш ояд, дар бораи усто-даш олими нотакорони адабиёти тасаввуф Наҷмиддин Комилов бисёр хотираҳои хешро ба мо нақл мекард. Мегуфт, ки ҳуку-мати давр хизматҳои беназири ўро қадршиносӣ накард. Ба бисёр олимони ҳасаки унвонҳои баланд доданд, вале хизма-тҳои беназирӣ ў аз назарҳо дурмонд. Ўро дар рўзномаи “Сур-хон тонги” ҳамчун эҷодқори беғаразу хайрхоҳ эътироф мекар-данд. Касе ки аз дасташ навиштан ояд, ба ў беғаразона кўмак мекард. Шахсони боистеъдодро ситоишашон мекард. Дар рўзнома маоши ночиз мегирift, вале заифнолӣ намекард. Чун синаш ба нафақа расид, дар пахлӯи ҳамқорони собиқаш қорро идома дод, вале шахсоне пайдо шуданд, ки ўро дар ғайбаш “ин нафақагир қай аз қор меарафта бошад” гўён неш мезаданд.

Ў ноилоч аз даргоҳе ки зиёда аз чил сол қор қарда, нони рўзноманигориро ҳалол қарда ҳўрда буд, бо ду дасти адаб ариза навишта аз қор рафт. Ўро ба филиали донишгоҳи агра-рии шаҳри Тошкент, ки чанд шўъбаи он дар шаҳри Тирмиз фаёолият дошт, даъват қарданд.

Боре бо ақои Муҳаммадҷон вохўрда дар бораи қору бори наваш пурсон шудам. Ў гуфт, ки дар ин донишгоҳ гўё ба сифати рўзномани-гор қору фаёолият доранд. Аввал хайрон шудам ва дубора пурсидам, ки чӣ хел дар донишгоҳ рўзноманигор дарқор будааст.

—Ҳа, додар, дар ин чо ба касе агар як қоғазро сиёҳ кун гўйи ба ду по ҳама меланганд. Қорҳои ба қоғаз анҷом мешударо ректор ба сари мо борқардааст гўё, ки мо рўзноманигор бошем. Ў каме хошмў ниша-сту дубора афзуд. — Вале дар ин чо мо аз 13 миллион бештар маош мегирем. Чӣ мегўед, ки дар ин маърифатгоҳ, ҳама ҳамадонҳо, оли-мони унвондор ба навиштан қимоб ҳастанд. Худатон медонед, вале ин қор барои мо як қуфу бод аст.

—Ў як оҳе чўқур қашиду гуфт: — Афсўс, умрро барои қорҳои беҳуда сарф қардем. Надонистем, ки умри одам ба поён мерасидааст, ноа-ён. Дигар қорاة нест ба чўз ангуш газидан.

Ман он рўз ўро хеле ошуфта дидам. Баъди чанд рўзи ин вохўрӣ шунидам, ки барои истироҳат ба шаҳри Тошқанд рафтааст. Баъди як ҳафтаи он хабари шуме шунидам. Шиносӯ дўстон гуфтанд, ки ў дар ин шаҳар ба марзии қовит мубтало гашта, дар ҳамон чо аз олам гузаштааст. Боварам намеомад. Симои гарму хандаҳои беолоишаш-ро ба ёд оварда, сад афсўс меҳўрдан, вале чӣ боке аз ин надоматҳо, афсўсҳо...

Ман дар ин айём ёди ин марди нақўномро ба ёд оварда “сина моломоли дард” барои таскини дил ба чўз ба ёдовардани ин байтҳои Хофизии Шерозиро, ки ҳуди Муҳаммадҷонака онро дар мавридҳои ло-зимӣ бо дарду алам зери лаб зам-зама мекард, ба ёдам расид. Вул-қони дилам ба тугён омад:

Сина маломоли дард аст, эй дарего марҳаме,
Дил зӣ танҳои ба чон омад, худоро ҳамдаме.
Чашми осоиш, ки дорад аз сипеҳри тезрав,
Соқиеъ, чоме ба ман дех, то биосоям даме.
Нуралӣ РАҶАБ.

Газетамиз ижодий жамоасининг туман Ахборот-кутубхона маркази ходимлари билан кўп йиллик ҳамкорлиги узлуксиз давом этиб келяпти. Ушбу ҳамкорлик натижаси ўлароқ деярли газетамизнинг ҳар бир сонига кутубхона ходимлари муаллифлигида китобхонлик ва китоб тарғиботи мавзусидаги турфа материаллар бериб борилапти. Бизни қувонтирадиган жиҳати эса, шубҳасиз, бу каби маънавий-маърифий материаллар деярли тўлиқ АҚМ ходимларининг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан тайёрланаётганидир.

Дарвоқе, жамоа аъзолари доимий изланишда бўлгани боис мудом янги лойиҳалар, қўйилмаган қизиқарли гоёлар билан чиқишлари таҳсинга лойиқ, Яқинда ижодий жамоа-

ГАЗЕТАМИЗ ЎТМИШИДАН САДО: ФОТОСУРАТЛАРДА МУХРЛАНГАН ТАРИХ

миз томонидан “Бойсун” тумани ташкил этилганинг 100 йиллиги олдидан” (1926 йил, сентябрь) рубрикасини эълон қилишимиз биланоқ биринчилардан бўлиб уни қўллаб-қувватлаган ва шунга мос мавзуларда материаллар ташлай бошлаганлар ҳам АҚМ ходимлари бўлди.

Мана, кунчи-кеча биз билан доимо боғланиб турувчи, турли тақлиф ва лойиҳалари билан ҳамкорлик ташаббусини қўллаб турувчи Манзура Раҳмонова юқоридаги рубрика учун материал излаб “Бойсун” газетасининг архивларини титқилаб, ўтган асрнинг 60-70

Дунё саҳнасини забт этиб қайтган бойсунлик санъаткорлар “қумуш болта” мукофоти билан. Чапда бош планда халқаро фестивалда Бойсун фольклор санъатининг ўзига хос жанри — бойсунча дучўба рақсларининг ҳақиқий уста ижрочилари Аҳад Болтаев ҳамда Тўра Даллолов.



Ушбу суратда бойсунлик бир гуруҳ фаол аёллар 1973 йилда “Шалла” ансамблининг Польшада ўтган Тоғли ўлкалар фольклор фестивалида муносиб иштирок этиб, фахрли иккинчи ўрин учун тақдим этилган “Қумуш болта” мукофотини намоён этганлари акс эттирилган. Суратда ўнгдан иккинчи ва учинчи аёл — ушбу фестивал иштирокчилари — Шарбон Ҳамдамова ҳамда Ҳанифа Салимовалар.



Польшада ўтган тоғли ўлкалар халқлари халқаро фестивали ғолиблари Ҳанифа Салимова (ўнгдан учинчи) ҳамда Шарбон Ҳамдамовалар (чапдан иккинчи) фаол аёллар — ўз дугоналарига фестиваль хотиралари ҳақида сўзлаб бераётган жараён.

“Бойсун” газетаси энг гуллаб-яшнаган давр акс этган тарихий сурат. Устозларимиз оғир ижодий жараёндан кейин Бойсуннинг сўлим табиати кучоғида дам олиш жараёни.

Суратда чапдан ўнгга: Ўзбекистон ёзувчилар уюмиси аъзоси, ёзувчи Исмаил Норбоев (марҳум), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, мохир журналист Мажид Нормаматов (марҳум), таникли ижодкор, шоир Мажид Абдурахимов, хисобчи Ўлмас Ибрагимова (марҳума), таникли журналист, муҳаррир Хайрулла Султонов (марҳум), таникли шоир Ёқуб Норсаидов, матн терувчи Саноабар Диев, таникли журналист, бўлим мудири Парда Назаров, таникли журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, муҳаррир Очил Пардаев (марҳум), хайдовчи Салом Самиев, таникли журналист Бойсун радиозштитиришлари бўлими мудири Собир Ёдиқов (марҳум), хайдовчи Зийдулла Хайдаров (марҳум).



Ўтган барча азиз устозларимиз ва ҳамкасб биродарларимизнинг охираглари обод бўлсин.



Муҳаррир Очил Пардаев бошчилигида газетанинг навбатдаги сонига тайёргарлик жараёни. Суратда: ўнгдан Очил Пардаевдан кейин собиқ муҳаррир Нурулло Муродов (марҳум) ҳамда газета бўлим мудири Эркин Қодиров (марҳум).

Har bir xalqning tili uning madaniy merosining ajralmas qismi hisoblanadi.

Dialektlar va shevalar esa bu merosning eng nozik va noyob unsurlaridan biri bo'lib, millatning tarixiy ildizlari, urf-odatlari va o'ziga xos dunyoqarashini aks ettiradi. Shevalar nafaqat lingvistik boylik, balki milliy o'zlikning muhim ko'zgusidir. Sheva har bir hududning tarixiy xotirasini saqlab qoladi. U nafaqat til tuzilishi va talaffuzdagi farqlari bilan, balki o'ziga xos ibora va ifodalari orqali ham milliy madaniyatni aks ettiradi. Aynan xalq shevalari orqali biz avlodlar o'rtasidagi bog'liqlikni his qilamiz, ota-bobolarimizdan meros qolgan so'zlar bizga ularning fikrlash tarzi va hayotga bo'lgan qarashlarini yetkazadi. Shuningdek, shevalar milliy g'ururni mustahkamlashda katta ahamiyatga ega.

Ba'zan standart til ta'sirida xalq shevalari yo'qolib boradi, ammo ularni asrab-avaylash milliy identifikatsiyaning davomiyligini ta'minlashga xizmat qiladi. Mahalliy lahjalar yordamida biz o'zligimizni, o'zimizga xosligini anglaymiz va qadrlaymiz.

Globalizatsiya va urbanizatsiya ta'sirida ko'plab tillar va shevalar yo'qolishi xavfi ostida turibdi. Yosh avlod ko'pincha standart tilga ko'proq urg'u berib, mahalliy shevalardan uzoqlashib bormoqda. Biroq bu jarayonni to'xtatish va xalq shevalarining dolzarbligini saqlab qolish mumkin. Shevalarni targ'ib qilish va asrab-avaylashda adabiyot, folklor va zamonaviy media katta rol o'ynaydi. O'z shevasida yozilgan adabiy asarlar, xalq og'zaki ijodining namunalari keng targ'ib qilish, ularni o'rganish va

SHEVA— MILLIY O'ZLIKNING YASHIRIN XAZINASI

kelajak avlodga yetkazish milliy o'zlikni asrashning muhim yo'llaridan biri hisoblanadi. Sheva — bu millat yuragi, xalq ruhining ajralmas qismi. U faqat lingvistik o'ziga xoslik emas, balki madaniyat, tarix va milliy o'zlikni aks ettiruvchi noyob boylikdir. Unga ehtiyohtorlik bilan munosabatida bo'lish, uni kelajak avlodga yetkazish nafaqat tilshunoslarning, balki har bir millat farzandining burchi hisoblanadi.

Shevalar orqali biz o'z ildizlarimizni anglaymiz, o'zligimizni saqlaymiz va milliy g'ururni mustahkamlaymiz. Bugungi kunda deyarli urfga aylanib ulgurigan chet tillardagi so'zlarni o'z tilimizga haddan ortiq ko'p qo'shish esa ba'zan ona tilimizning tabiiy go'zalligiga zarar yetkazishi mumkin. Albatta, globalizatsiya va zamonaviy texnologiyalar ta'sirida chet tilidagi so'zlar hayotimizga kirib kelmoqda. To'g'ri, ular yangi tushunchalarni ifodalashda qulay bo'lishi mumkin. Lekin ona tilimizda ekvivalent mavjud bo'lsa, uni ishlatish milliy madaniyatni saqlash va rivojlantirishga yordam beradi. Shevalar ham aynan shu jarayonda katta ahamiyat kasb etadi. Ular tilning tabiiy shakli bo'lib, avlodlararo bog'liqlikni ta'minlaydi. Agar biz chet tilidagi so'zlarni ona tilimizga haddan tashqari ko'p qo'shsak, shevalar ham asta-sekin yo'qolib borishi mumkin.

Muvozanat muhim: chet tillarni bilish foydali, ammo ona tilimizni asrab-avaylash undan ham muhimroq. Til faqat muloqot vositasi emas, balki millatning ruhini, madaniyatini va tarixini aks ettiruvchi boylikdir.

Nigina QUDRATULLAYEVA,
Termiz davlat universiteti talabasi.

ЖУРНАЛИСТ КАДРИ (боши1-бетда)

Ўша суҳбатдан сўнг уч-тўрт сон газета нусхаларидан олиб, уйда диққат билан ўқиб чиқдим. Эътибор қилсам ҳақиқатан ҳам адади 1,5 минг нусхага ҳам бормаган экан. Аммо газета сифати, материаллар мазмун-моҳияти ёмон эмас, мен билган баъзи бир танилган газета-лардан кам деб бўлмайди, ҳатто. Тўғри, газета дизайни бугунги талабдан орқароқда ва буни таҳририятдаги маънавий жиҳатдан гоёта орқада қолган технологиялар асосида иш олиб борилиши сабабидан деб тушундим.

Яқинда тумандаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 1975 йилда битирган собиқ синфдошлар учрашуви бўлиб ўтди. Бундан 50 йил муқаддам ушбу билим даргоҳини 103 нафар ўғил-қиз битириб, мустақил ҳаётга йўлланма олишганди.

Ўша йилларда туманимизнинг Дуоба, Алачапон, Кентала, Сайроб, Тўда, Мунчок, Шўрбоб каби олис қишлоқларидан туман марказига келиб таълим-тарбия олган ўқувчилар орадан йиллар ўтиб турли касб ва ҳунар эгаси бўлишди. Улар орасида ўқитувчилар, шифокорлар, муҳандис-қурувчилар ва бошқа ўнлаб касб эгалари бор.

Бугун ularнинг барчаси кексалик гаштини суришяпти. Ҳаёт қонуни, турмуш таълишлари уларни ватанимизнинг турли гўшаларига тарқалиб кетишга мажбур қилган...

Мана, соат миллари тўққизга яқинлашган. “Чинор” тўйхонасига собиқ синфдошлар бирин-кетин кириб кела бошлашди. Уларнинг аксарияти, ҳатто бир-бирлари билан ярим асрдан буён дийдорлашмаган.

Ҳаяжонли дамлар. Синфдошлар бир-бирлари билан кучоқ очиб кўришар экан, исм-шарифларини хижолат

Архив маълумотларига кўра “Бойсун” газетаси бир пайтлар 10 минг нусхада чоп этилган экан. Бу рақамни газетанинг бугунги адади билан солиштирсак, сеvimли газетамиз ижодий жамоасининг бугунги қийинчиликларининг туб сабабларини англаш қийин эмас.

“Бойсун” таҳририятида ўтган амалиётларим натижаси ўлароқ, бир саволни ўзимча кўп таҳлил қиладиган бўлдим: нега одамлар газета ўқимай қўйишди. Ахир газета сизнинг хонадонингиз, қорхонангиз, меҳнат жамоангизга фақат ва фақат маънавият, маърифат, тарбия олиб кирувчи восита-ку. Наҳотки ўз оёғи билан кириб борувчи ўзига хос маънавиятдан, маърифатдан ҳазар қилувчи инсонларга айланиб қол-

остида сўрашади ва танишишга яна қайта-қайта бағирлашадилар. Синфдош хожи ота ва хожи молар юрт фаровонлиги, бугунги дийдор онларига шукроналар айтадилар.

Кўп ўтмай даврага ўша йилларда ушбу билим масканида таълим-тарбия берган устоз-ўқитувчилар кириб келишди. Асомиддин Хусанов, Самия Равшанова, Нормамат Саидов, Ҳикмат Саъдуллаева, Зубайда Зоирова... Йиллар ўз ҳукмини ўтказган юзларида ҳаяжон...

Йиллар ва йўллар, айрилиқ ва учрашувлар, шодон ва муңгли хотиралар бугун тўқнаш келди. Афсуслар бўлсинки, ўтган эллик йил давомида устозлар ва синфдошларнинг аксарияти бу дунёни тарк этишибди. Собиқ синфдошлар ва устозлар уларни-да хотирлаб, ҳақларига Қуръон тиловат қилинди.

Дийдор онлари давом этар экан, даврада куй-қўшиқлар, табрик ва навбатлар кетма-кет жаранглайди. Ўқувчилик хотиралари бир-бир ёдга олинади. Тадбир тафсилотлари видеокамера хотиралари ва фото объективларга

ган бўлсак? Наҳотки босма нашрлар тарқатаётган маънавий-маърифий тарбия учун арзи-маган маблағни қизгансак? Наҳотки ижтимоий тармоқларнинг маза-матрасиз, ахлоқ бузувчи, маданиятсиз “жилвалари” — хатарли саробининг гирдобига тушиб қолган бўлсак?

Нодира опа билан бўлган ўзига хос суҳбатдан кейин мен тез-тез журналист қадри ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолдим. Айниқса, босма матбуот ходимлари мен учун ҳақиқий фидойи инсонлар бўлиб туюлди. Улар ҳатто шахсий манфаатлари, рўзғор бутлигини ҳам унутиб, ўз ишларини ситқидилдан бажараяптилар.

Рухшона НОРМУРОВА,
Термиз давлат университети филология факултети талабаси.

ДИЙДОР ОНЛАРИ



мухрланади.

Дийдор онлари ўша кун то кун оқкунча давом этган бўлса-да, собиқ синфдошларни бир-биридан ярим аср узоқлаштирган давр мобайнида ўтган ҳаёт, унинг турли паст-баландликларидан юлиб келинган ширин хотиралар ҳақидаги қизгин гурунлар барибир ниҳоясига етмай қолди. Ахир роппа-роса эллик йил олдин мактаб бўсағасидан хайрлашган дамлاردан бугунча қанча сувлар оқиб, қанча шамоллар эсиб ўтди... Ҳар биримиз ўзимиз учун кимларни, нималарни топиб, кимларни ва яна нималар-

нидир йўқотишга улгурдик.

Учрашув баҳона биз ярим аср ортга қайтиб, ўтган болалигимиз, ўсмирлик даврларимизга саёҳат қилдик. Эллик йилдан кейин бир кунгина бўлса-да шўх-шаддод, беғубор, бетаъшив синфдошларга айландик. Эллик йил ўтиб ўша беғубор онларнинг ҳар дақиқаси, ҳар сонияси нақада қадрли ва қайтмас эканлигини англадик...

Бугун бу даврада боболар кўрдим, Беллари қартайган моллар кўрдим. Юзлари нуроний ҳаёллар кўрдим, Менинг эллик йиллик синфдошларим. Ёқуб НОРСАИДОВ.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИ АНҚАТИГА!

рени бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Мурожаат учун телефон: 7633551900, 975330408.

БОЙСУН ТУМАН СТАТИСТИКА БЎЛИМИ.

ЭЪЛОНЛАР

Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси томонидан Сувонов Жасур Рўзиқулович номига берилган пенсия гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

BOYSUN	BOSH MUHARRIR Davron OROPOV	Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 64622 Bahosi kelishilgan narxda.	Hajmi - 2 bosma taboq. Bichimi A-2 Chop etishga topshirish vaqti - 17 ⁰⁰ Topshirildi - 16 ⁰⁰ Adadi : 1400 Buyurtma №	Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin. Qo'lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi. «BOYSUN» gazetasidan materiallarni ko'chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.	TAHRIRIYAT MANZILI: 190401, Boysun, Zartepa ko'chasi, 37-uy. Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59 e-mail: boysun@mail.uz
MUASSISLAR: Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi	NAVBAATCHI: Azamat G'AFFOROV.	Internet materiallaridan foydalaniladi.	Gazeta sifatiga bosmaxona mas'ul	Gazeta oyiga ikki marta o'zbek va tojik tillarida chop etiladi.	Gazeta «Suxron tongi» va «Zarya Suxxana» gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil:Termiz shahri Shukrona ko'chasi 19-A uy.